

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53409-4.01

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"
таълим соҳасидаги 5340900 - "Бухгалтерия
ҳисоби ва аудит" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Хасанов Б. А.,
к.ўқ. Ризаев Н. Қ.,
асс. Қурбонбоев Ж. Э.

Тақризчилар: проф. Вохидов С. В.,
доц. Маматов З. Т.

"Молиявий ҳисобот" фанидан ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари асосида тузилган. Ўқув дастурида жами 6 бўлим мавжуд бўлиб, унда "Молиявий ҳисобот" фанининг мақсади, вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси, Давлат таълим стандартларига мувофиқ билим ва кўникмалар, амалий ва семинар машғулотлар бўйича ишларнинг минимал миқдори, компьютер ва ахборот технологияларини қўллаш, фан дастури, амалий ва семинар машғулотлари, курс иши мавзуларининг рўйхатлари, тавсия этилаётган мавзулар бўйича кўргазма-намойиш материаллари, ўқув фильмлари ва бошқа дидактик материаллар рўйхати, талабаларнинг рейтинг асосида баҳолаш бўйича ўзлаштиришнинг назорати ҳамда адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

Необходимость обучения студентов по дисциплине "Финансовая отчетность" заключается в том, что организация бухгалтерского учета в нашей республике в соответствии с международным стандартом требует введения этого предмета.

Данная программа по предмету "Финансовая отчетность" полностью отвечает всем требованиям. Программа состоит из 6 частей. В них содержится следующие сведения: цель и задача предмета, связь с другими предметами, знания и навыки соответствующие СГО, минимальное количество семинаров и практических занятий, применение компьютеров и информационной техники, программа предмета, семинарские занятия, список тем курсовых работ, наглядно-показательные материалы по рекомендуемым темам, список учебных фильмов и других дидактических материалов, контроль успеваемости студентов по рейтинговой системе и список рекомендуемой литературы.

The necessity of training of the students to the "Financial statement" consists of the organization of Accounting in our republic according to the international standarts that requires conducting this subject.

The created program of the "Financial statement" subject - completely answers all put requirements. The program consists of 6 parts. They contain the following items:

The purpose and task of a subject, communication with other subjects, knowledge and skills appropriate to the SSE (Standards of State Education), minimum quantity of

seminars and practical employment, application of computers and technological information, program of the subject, seminar lessons, the list of themes of "course works", evident - indicative materials on recommended themes, the list of educational films and other materials, control of progress of the students on a rating system and list of the literature for usage.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мулк шаклидан катъий назар барча муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг мулки ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиш ва умумлаштириш бухгалтерия ҳисоби ёрдамида амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, бухгалтерия ҳисоби корxonанинг молиявий ва мулкӣ ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот беради. Корхоналар ва ташкилотларда юритиладиган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари умумлаштирилиб бир ҳисоб даврига корхона (ташкӣлот, муассаса)нинг бухгалтерия ҳисоботи тузилади. Ушбу ҳисоботда корxonанинг маълум бир даврдаги мулкларининг ҳолати, корxonани ҳамда унинг молиявий натижалари каби иқтисодий кўрсаткичлар акс эттирилади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятини назорат қилиш, унинг хўжалик фаолиятига баҳо бериш ва корхонага янги инвестицияларни жалб қилишда ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш жуда муҳимдир.

"Молиявий ҳисобот" фани иқтисодчиларни бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлил соҳасида тайёрлашдан келиб чиққан ҳолда ўрганилади. Фанни ўрганиш натижасида келгуси иқтисодчи мутахассисларда корxonанинг молиявий хўжалик фаолиятига баҳо бериш, иқтисодни бошқариш ва молиявий сиёсат бўйича ички истеъмолчиларга асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотларни тайёрлаш бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлишни шакллантириш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби, аудит, таҳлил соҳасидаги малакали мутахассисларни тайёрлашда "Молиявий ҳисобот" фани асосий мутахассислик фанларидан бири бўлиб ҳисобланади.

"Молиявий ҳисобот" фанини ўрганишнинг асосий вазифаларидан бири бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Ўқитишнинг мақсади ва вазифалари ва бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

Мустақил Республикада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда бозор муносабатларининг ривожланишида малакали бухгалтер, аудитор мутахассисларини тайёрлашга зарурат туғдиради.

Ўқув режасига мувофиқ бухгалтер ва аудитор мутахассисликлари "Молиявий ҳисобот" фанини ўрганади. Корхона ва хўжаликлардаги маблағлар ва уларнинг ташкил топиши манбаларининг ҳаракатини, хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш, уларни ҳужжатлаштириш, умумлаштириш, корхона ва хўжаликларнинг мулкӣ, молиявий фаолияти тўғрисидаги тўлиқ ва ишонарли маълумотларини шакллантириш ҳамда ҳисоботлар тузиш, мамлакатимиз корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ёрдамида шаклланадиган даврий, молиявий ҳисобот маълумотларини ҳаққонийлиги таъминлаш, ташкилотлар билан ҳисоблашишларни тўғри ташкил қилишни давлатимиз қонунлари, ҳукумат қарорлари, меъёрий ҳужжатлар асосида ўргатади.

"Молиявий ҳисобот" фани корхоналарнинг мулкӣ ва молиявий фаолиятини ҳисобга олишда ўзининг усул, услубиятига эга бўлиши билан бирга қуйидаги фанлар билан бевосита боғлиқлиги боислар ҳам талабаларга чуқур ўргатилади: "Иқтисодиёт назарияси", "Макроиктисодиёт", "Микроиктисодиёт", "Статистика", "Аудит", "Молиявий ва бошқарув таҳлили", "Молия", "Солиқлар ва солиққа тортиш", "Пул, кредит ва банклар", "Менежмент", "Маркетинг", "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Суғурта иши", "Кичик бизнес ва тадбиркорлик", "Ҳуқуқшунослик" ва бошқалар.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

"Молиявий ҳисобот" фани бўйича талабаларга қуйидагиларни билиш талаб қилинади:

- бозор иқтисодиёти шароитида "Молиявий ҳисобот"нинг бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит тизимида тутган ўрни;
- "Молиявий ҳисобот" фани корxonанинг молиявий – хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг асосий мезони эканлиги;
- бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий тамойиллари ва қайдларини ўрганиш зарурияти;

- ҳисобот маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва улар асосида ҳисобот тузиш;
- ҳисобот маълумотларини йиғиш жараёнида бухгалтерлар томонидан ҳал қилинадиган муаммоларни билишлари;
- ҳисобот маълумотлари асосида корхонанинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига баҳо беришни;
- ҳисоботни халқаро стандартлар билан интеграциялашувини таъминлаш;
- шу соҳадаги илмий иқтисодий адабиётларни мустақил ўрганиш;
- бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини ҳамда конунла-рини мукамал ўрганиши;
- мутахассислик фани билан боғлиқ бўлган фанларни мукамал ўрганиши;
- фан ва техника ютуқларига қизиқувчан ўзига нисбатан талабчанлик, ўрганаётган фанига, ўз ватанига фидойи бўлиши керак.

Ўқитиш жараёнида талабанинг мустақиллигини таъминлаш унинг илмга бўлган қизиқишини шакллантириш лозим. Кўпроқ талабаларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш зарур.

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

Талабаларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- талабаларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлашга эришиш;
- талаба ўз билимини ўзи баҳолайдиган шароитни яратиб бериш;
- талабаларнинг билимини таянч иборалари асосида баҳолашни жорий қилиш;
- талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитувчилар раҳбар-лигида мустақил билим олишга ўргатиш;
- иқтидорли талабалар билан уларни қизиқтирувчи мавзулар бўйича қўшимча дарсларни ташкил қилиш ва ҳ.к.;
- амалий машғулотларда бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларга оид масалалар тизими ва "иш ўйинларини"ни қўллаш.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Молиявий ҳисобот" фани талабаларга ўқув режаси бўйича VII семестр ўқитилгани сабабли маъруза ва амалий машғулотларга бўлинганлиги боисдан уларни семестрлараро ўқув бўлимлари томонидан режалаштирилади.

"Молиявий ҳисобот" фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади. Аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун талабалар корхона ва хўжаликларда амалиёт ўтайдилар. Ўқув жараёнида аудиторияда ва амалиётда олган билимлари ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг усулида баҳоланади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

"Молиявий ҳисобот" фанини ўрганиш бўйича "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналишлари ҳамда Олий таълимнинг билим соҳаси бўйича бошқа йўналишлар учун ўқув режасида жами 72 соат белгиланган. Шундан маърузага 36 соат, амалий машғулотга 36 соат, ажратилган. "Молиявий ҳисобот"дан кейинги блоklarда талабалар иқтисодий таҳлил ва аудит фанларини ўрганишда фойдаланадилар, олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг қўлланадиган ҳамда корхоналарда мавжуд маблағ манбаларнинг ҳолати ва ҳаракатини ўрганишда фойдаланадилар.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулотларининг намунавий мавзулари

Ўзбекистонда ва халқаро амалиётда молиявий ҳисобот тўғрисидаги тамойиллар ҳамда уларнинг мазмуни

Корхоналарнинг молиявий ҳисоботи-уларнинг хўжалик фаолиятини маълумот манбаи эканлиги, Ўзбекистон Республикасида ҳисоботни норматив асосида тартибга солиш ("Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун, *Бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари ва Молия вазирлигининг кўрсатмалари*).

Корхона ҳисоботининг турлари: статистик, молиявий (чоп этиладиган). Турли хил кўрсаткичлар ва ҳисобот шакллариининг ўзаро боғлиқлиги.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳисоботнинг мазмуни ва вазифалари. Молиявий ҳисоботнинг статистик ҳисоботдан фарқи. *Бозор инфраструктураси. Мавжуд давлатларда бухгалтерия маълумотларидан фойдаланувчилар*. Бозор иқтисодиётида молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар томонидан қуйиладиган умумий талаблар. Ҳисобот шаклларига умумий таъриф.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳисоб андозаларига ўтиши. Молиявий ҳисобот шакллариининг таркиби ва мазмунининг яқинлашуви (консолидация).

Йиллик ва даврий молиявий ҳисоботнинг таркиби: ҳисобот шакллари, ҳисобот моддаларининг мазмуни, тушунтириш хатининг тузилиш схемаси.

Йиғма ва умумлашган бухгалтерия ҳисоботи, уларнинг фарқи ва тузилиш хусусиятлари.

Йиллик ҳисоботни тузишнинг асосий қоидалари ва босқичлари.

Бухгалтерия баланси (1-шакл)

Иқтисодийни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия балансининг моҳияти ва вазифалари. *Баланс - корхона мол-мулкани маълум даврдаги пул ўлчови.* Балансда барча мулкӣ муносабатларнинг акс этирилиши.

Балансининг тузилиши. Ўзбекистонда ва халқаро амалиётда бухгалтерия балансини тузилиш таркибининг мазмуни. Баланс активи ва пассивидаги моддаларнинг таркиби ва туркумланиши, унинг моддаларининг таснифи.

Бухгалтерия балансининг пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот билан ўзаро боғлиқлиги. Бухгалтерия балансининг турлари ва шакллари: айланма ва шахматли баланс: баланс - брутто ва баланс - нетто, уларнинг фарқлари; дастлабки, йиғма, йиғма-умумлаштирилган (консолидируемый) баланслар, уларнинг фарқлари ва тузилиш хусусиятлари.

Балансининг алоҳида моддаларини баҳолаш усуллари. Ўзбекистонда балансининг алоҳида моддаларини баҳоланишини норматив тартибга солиниши.

Инфляция шароитида баланс моддаларини баҳолашга доир халқаро стандартларнинг таснифлари.

Балансининг ҳаққонийлиги: абсолют ва нисбий; балансининг ҳаққонийлигига эришиш йўллари (балансининг барча моддаларини тўла инвентаризация қилиш; корхона мол-мулкани миқдорий таркибини аниқлаш ва баҳолаш, турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни текшириш, актив ва пассиф счётлар маълумотларини тўғри акс этириш).

Бухгалтерия балансини тузиш техникаси.

Бош дафтар ва бошқа ҳисоб регистрларидаги балансининг алоҳида моддалари бўйича маълумотларни олиш тартиби.

Бухгалтерия баланслари маълумотларини қалбакилаштириш ва унинг оқибатлари.

Хўжалик субъектини молиявий ҳолатига баҳо беришда бухгалтерия балансининг маълумотларидан фойдаланиши.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл)

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг моҳияти ва мазмуни.

Ўзбекистон Республикаси ва халқаро амалиётда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тарихи. 2-сонли ҳисобот шаклининг кўрсаткичлари, уларнинг ташкил топиш тартиби ва ҳисобот шаклида маълумотларни ҳисоб регистрларидан акс этирилиши.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот(2 шакл)даги асосий кўрсаткичлар: тушум, даромад, фойда, зарар, харажатлар, сотилган маҳсулот таннархи ва бошқаларнинг мазмуни. 2-шакл ҳисоботининг турли декларациялар ва солиқ органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар билан ўзаро боғлиқлиги. Даромад (фойда)нинг ташкил топиши, тақсимланиши, уларни ҳисоботни акс эттирилиши ва солиқлар ҳисоблашда иштирок этиши.

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл)

Бозор иқтисодиёти шароитида асосий воситаларнинг корхонани ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида тутган ўрни.

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши: асосий воситаларнинг турлари. *Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, асосий воситаларнинг эскириши, асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати.*

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот муддатларига тасниф. Ҳисоботни тузиш тартиби. Асосий воситаларнинг баҳоланиши ва қайта баҳоланиши. Ҳисобот маълумотларини умумлаштириш.

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл)ни тузишнинг халқаро амалиётдаги ҳисобот шакли билан таққослаш.

Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл)

Ҳисобот маълумотларини ички ва ташқи фойдаланувчилар учун мўлжалланганлиги. Халқаро амалиётда ҳисоботни кенг қўллашга таъсир қилувчи омиллар. Ҳисобот кўрсаткичлари.

*Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг икки усули**. Ҳисоботни тезкор молиявий режалаштириш ва корхонанинг пул оқимлари ҳаракатини назорат қилиш ҳамда баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга ўзаро боғлиқлиги. Республикада амал қилинаётган "Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот" (4-шакл) тузилишининг халқаро амалиётдаги ҳисобот шакли билан таққосланиши.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл)

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни ва таркиби. Якка мулкчиликка асосланган хусусий капитал. Шерикчилик корхоналарида хусусий капитал. *Ҳиссадорлик жамиятларидаги хусусий капитал.* Акциялар чиқариш билан боғлиқ хўжалик муомалалари. Дивидендлар ҳисоби. Қайта сотиб олинган хусусий акциялар. *Тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисобот.* Тақсимланмаган фойдани тузатиш тартиби ва улар ҳисобидан ажратмалар.

Консолидациялаштирилган (умумлаштирилган) бухгалтерия ҳисоботи

Умумлашган бухгалтерия ҳисоботи ва унинг йиғма ҳисоботлардан умумий фарқи. Умумлашган ҳисобот тузишнинг халқаро амалиётдаги ва Ўзбекистон Республикасидаги усуллари.

Ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисоботи

Ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисоботининг ўзаро боғлиқлиги. Корхона бухгалтерия ҳисоботи шаклларидаги иловаларнинг таркиби: фондлар ҳаракати, қарз (заём) маблағларининг ҳаракати, молиявий қўйилмаларнинг тузилиши, валюта маблағларининг ҳаракати, тушунтириш хати ва бошқалар. 5-шаклнинг моҳияти ва мақсадли йўналтирилганлиги. Балансга илова қилинадиган 5-шакл бўлимларини тузиш техникаси.* Тушунтириш хатининг мазмуни ва унинг фойдаланувчилар учун аҳамияти.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР ДАРСЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботнинг мазмуни ва таркиби

Корхона ҳисоботининг турлари: тезкор (оператив) ҳисоби, статистик ҳисоботи, бухгалтерия ҳисоботи.

Йиллик ва даврий ҳисоботнинг таркиби: бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома, пул оқимлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот, тушунтириш хати ва бошқалар.*

Бухгалтерия баланси (1-шакл)

Бухгалтерия баланси ҳақида тушунча ва унинг аҳамияти. Баланснинг таркиби ва тузилиши; баланс активи ва пасиви.* Баланс бўлимлари ва моддаларига умумий таъриф: узоқ муддатли активлар, айланма активлар, ўз маблағларини манбалари, мажбуриятлар.*

Баланснинг алоҳида моддаларини баҳолаш.* Баланснинг бухгалтерия ҳисоботининг бошқа шакллари билан ўзаро боғлиқлиги.

Бухгалтерия балансини тузиш техникаси. Бухгалтерия баланси маълумотларини олиш (йиғиш) тартиби (бош дафтар, ҳисоб регистрлари).*

Корхона хўжалик фаолиятига баҳо беришда бухгалтерия балансининг аҳамияти.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)

Молиявий натижалар тўғрисида тушунча: фойда (даромад) ва зарар (харажатлар).*

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши; ҳар бир ҳисобот моддасининг таснифи.

2-шакл ҳисоботидаги асосий кўрсаткичлар: тушум, даромад, фойда, зарар, харажатлар, сотилган маҳсулот таннарихи ва бошқаларнинг мазмуни.* Корхонанинг ҳисобот даври охирига бўлган соф фойдасининг ташкил топиши.

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл)

Асосий воситаларга умумий таъриф ва уларнинг корхона ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятида тутган ўрни.

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши, ҳисобот моддаларига тасниф.*

Ҳисоботни тузиш тартиби.* Ҳисобот маълумотларини бухгалтерия баланси билан ўзаро боғлиқлиги.*

Асосий воситалар тўғрисидаги ҳисоботнинг халқаро амалиётдаги тутган ўрни.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл)

Ҳисоботнинг тузилиши: ҳисобот бўлимлари ва уларга таъриф. Ҳисоботнинг кирим ва чиқим устунлари.

Корхонанинг пул маблағлари ва уларга тенглаштирилган маблағларнинг турлари ва мазмуни.*

Ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар: ички ва ташқи фойдаланувчилар.*

Корхона валюта маблағларининг ҳолати ва ҳаракати.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл)

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни ва таркиби. Якка мулкчиликка асосланган хусусий капитал. Шерикчилик корхоналарида хусусий капитал. Ҳиссадорлик жамиятларидаги хусусий капитал.* Қайта сотиб олинган хусусий акциялар. Тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисобот*. Тақсимланмаган фойдани тузатиш тартиби ва улар ҳисобидан ажратмалар.

Консолидациялаштирилган (умумлаштирилган) бухгалтерия ҳисоботи

Умумлашган бухгалтерия ҳисоботи ва унинг йиғма ҳисоботлардан фарқи.* Умумлашган ҳисоботни тузишнинг халқаро амалиётдаги ва Ўзбекистон Республикасидаги усуллари. Умумлашган ҳисоботни тузишнинг аҳамияти.*

Ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисоботи

Ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисобининг ўзаро боғлиқлиги.

Корхона бухгалтерия ҳисоботи шаклларидаги иловаларнинг таркиби: асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2-шакл), хусусий капитал тўғрисида ҳисобот (5-шакл), тушунтириш хати ва бошқалар.*

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

"Молиявий ҳисобот" фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун мустақил таълим тизимига асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида, ўқув режасига мувофиқ мустақил таълим олади. Мустақил таълим мавзулари ва топшириқлари қуйидагилардан иборат: Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботнинг мазмуни, турлари ва унда қўлланиладиган ўлчовлар. Корхона маблағларини ва уларни ташкил топиш манбалари. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун. Бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари. Бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси. Бухгалтерия балансининг тузилиши ва мазмуни. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ва унинг моҳияти. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ва унинг тузилиши. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, унинг мазмуни. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот. Умумлашган (консолидированная) ҳисоботнинг моҳияти. Ҳисоб сиёсати ва унинг корхонадаги бухгалтерия ҳисобини юритишдаги роли.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун моддалари (1996 йил 30 август)ни ўрганиш. Бухгалтерия ҳисоби миллий андозаларини ўрганиш (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, 1998 йил 28 июлдан бошлан 21 та). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисидаги Низом". Бухгалтерия (молиявий) ҳисобот шаклларининг тузилиши ва уларни ўрганиш. Ҳисобот шаклларини тўлдиришда зарур маълумотларни олиш. (Бош дафтар, журнал-ордерлар, ведомостлар).

Талабалар "Молиявий ҳисобот" фанини ўрганишда ахборот воситаларидан яъни интернет тизимидан, жумладан қуйидаги сайт ва электрон почталардан ҳам кенг фойдаланади:

1. <http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board);
2. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office);
3. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom);
4. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee);
5. <http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants);
6. <http://www.uza.uz> (Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлигининг турли соҳаларга доир кундалик янгиликлари);
7. <http://www.uzreport.com> (Кундалик бизнес янгиликлари);
8. <http://www.referat.ru> (Рефератлар тўплами).

Шунингдек, республикада чоп этилган газета ва журналлардан мутахассислигига тегишли материалларни олади.

Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси, Малакали Бухгалтерлар ва Аудиторлар Ассоциацияси, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедик иловалардан фойдаланиш тавсия этилади.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Ушбу фан бўйича ўқув режасида жами 80 соат дарс ўтиш режалаштирилган бўлиб, шундан маърузага 40 соат, амалий машғулотга 40 соат ажратилган. Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва жорий баҳолаш, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш турлар орқали амалга оширилади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. "Молиявий ҳисобот" фанидан талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 72 га тенг. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириш;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиш;
- илмий тезислар тайёрлаш;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариш;
- фан бўйича кўргазмаларни қуроллар тайёрлаш.

Таянч тушунчаларига асосланган "Ёзма иш" усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини яқуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни. "Халқ сўзи" газетаси, 1996.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Тошкент - 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 сонли Қарори "Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисидаги Низом. "Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари" ойлик нашр. Тошкент -1999.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январь 5-сон буйруғи (1997 йиллик ва ярим йиллик ҳисоботи тўлдириш тўғрисида). "Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари" ойлик нашр. Тошкент - 1997.
5. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (№ 1-21) -Т.: 1998-2000.
6. Бобожонов О.У. Молиявий ҳисоб. - Т.: Мехнат, 1999.
7. Молиявий ҳисоб. КАРАНА корпорацияси. - Т.: 2000.
8. Ризакулов А.А. Узок муддатли активлар ҳисоби. - Т.: Фан, 1998.
9. Ризакулов А.А., Иброҳимов А.К., Ҳасанов Б.А., Усанов А.У., Маматов З.Т. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. I-III том. ТМИ ва ИУТ, 1994.
10. Сотиволдиев. А., Иткин Ю. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. (Янги сўтлар режаси асосида), ПБ ва АА-2002 , 1-2том.
11. Ғуломова Ф. Бухгалтерия ҳисоби (ўқув қўлланма). - Т.: Мехнат, 2001.
12. Бакаев А.С. Шнейдман Л.З. - Учетная политика. - М.: Бухгалтерский учет, 1998.
13. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: Финансы и статистика, 1998.
14. Бухгалтерский учет (Коллектив авторов под ред. Безруких П.С.) - М.: Бухгалтерский учет, 1998.
15. Бухгалтерский учет (Коллектив авторов под ред. Козловой Е.П.). - М.: Финансы и статистика, 1999.
16. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари тўпламлари. 2000-2002.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари тўпламлари, Тошкент - 1997.
2. Ибрагимов А., Каримов А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. План счетов Бухгалтерского учета и рекомендация по его применению. Под ред. Гадаева Э.Ф., Хасанова Н.Х. Ташкент - 1996.
4. Кирьянов З. В. Теория бухгалтерского учета. - М.: 1994.
5. Козлова Е. П., Парашютин Н. З. Бухгалтерский учет. - М.: 1999.
6. Палий В. Финансовый учет. - М.: 1996.
7. Журнал налогоплательщика 1999-2001 гг.
8. Умарова М.Г. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби - Т.: 1999.
9. Фрэнк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. - М.: О.О.О Аскери, 1996.
10. Янги счётлар режаси. ПБ ва АА-2002.
11. Ғуломова Ф. Самоучитель по бухгалтерскому учету. - Т.: Мир экономики и права, 2000.
12. Панков Д. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах. - Мн: Экоперспектива, 1998.
13. Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности. - М.: УРСС, 2001.
14. Чая В., Чая Г. Международные стандарты финансовой отчетности, ГУП ИПК "Ульяновский Дом печати", 2000.
15. Fremgen F.M. Accounting for managerial Analysis: Third Edition. Richard D. Irwing Inc., Homewood, Illions, 1996.
16. Kenneth M. Morris & Allan M. Siegel. Guide to understanding money & investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.
17. Securities Regulation in THE Unite States. NASD. Washington-2000.
18. The Istanbul Stock Exchange In a Historical Perspective. Written by Pfor. Haydar Kazgan / published by ISE.- Istanbul-1999.
19. The Work Of SEC. U.S. Securities and Exange Comisssion.-1999.
20. Cost accounting (a managerial emphasis) / USA. Mexico. Or Canada. 2001.
21. Financial accounting / USA. Mexico. Or Canada. 2001.